

Таҳорат фарзлари

05:00 / 09.01.2017 78935

Аллоҳ таоло айтади:

“Эй имон келтирганлар, қачон намозга турсангиз юзларингизни ва қўлларингизни тирсакларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни ҳам тўпиқларигача (ювингиз)!” (Моида, 6).

Таҳоратда қайси аъзолар ювилиши лозимлиги мана шу оятдан олинган. Жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари мазкур оятдан келиб чиқиб, таҳоратнинг тўртта фарзи борлигини айтишган.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандаларига таҳоратнинг шартларини баён қилиб, агар бетаҳорат бўлсалар, намоз ўқишдан олдин таҳорат қилишлари лозимлигини таъкидламоқда. Кимнинг таҳорати бўлса, намоз ўқишдан олдин таҳоратни янгилаб олиши мустаҳабдир.

Зайд ибн Аслам ушбу оятни “агар уйқудан уйғониб, намозга турсангиз...” деб изоҳлаган. (Молик, Ибн Жарир ва Ибн Мунзир ривояти).

Таҳорат ювиш ва масҳ тортишдан иборат. Унда учта аъзо (юз, қўл, оёқ) ювилади ва бошга масҳ тортилади. Ювиш аъзоларда сувни оқизишдир. Масҳ эса аъзони нам қўл билан силаш. Таҳоратда аъзолардан камида икки ёки уч томчи сув оқиши шарт. Агар худди ёғ суртган каби аъзоларидан сув оқмаса, бундай таҳорат тўғри бўлмайди.

Агар қор билан таҳорат қилса ва аъзоларидан бирон томчи сув оқмаса, унинг таҳорати тўғри бўлмайди. Қор билан таҳорат қилганда ҳам икки ёки уч томчи сув оқиши керак. Акс ҳолда ювилган эмас, масҳ тортилган бўлади.

Юқоридаги оятдан таҳоратнинг фарзи тўртта[1] эканини билиб оламиз.
Улар:

1. Юзни ювиш;
2. Қўлни тирсаклар билан қўшиб ювиш;
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш;
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Таҳоратда мазкур тўрт аъзони ювиш фарз қилиниши беҳикмат эмас. Айнан шу аъзолар энг кўп кир бўлади.

Таҳоратда мазкур тўрт аъзони бир марта ювиш фарз. Чунки оятда такрор маъноси йўқ. Икки ва уч марта ювиш суннатдир.

Таҳоратда ювиш фарз бўлган бирон аъзо ювилмаса ёки чала ювилса, таҳорат қилинмаган ҳисобланади. Шу сабаб бу тўрт аъзони ювишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Энди таҳоратнинг ушбу тўрт фарзини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Юзни ювиш.

Юзнинг чегараси ҳақида ривоят йўқ. Фақиҳ уламолар луғатлардан фойдаланиб унинг чегарасини белгилаганлар. Ибн Масъуд Косоний “Бадоеъ”да бу саҳиҳ чегара эканини айтган.

Юзнинг узунасига чегараси бошнинг соч чиққан жойидан ияк остигача, кенглиги икки қулоқ юмшоғининг орасигача бўлган жойдир. Баъзи уламолар қулоқнинг ички тарафи юздан, ташқи тарафи бошдан саналади, дейишган.

Юзнинг чегарасини белгилашда мазҳаблар орасида турлича фикрлар бор. Сабаби юз бош ва бўйин билан чегарадош бўлиб, унинг маълум ҳудуди йўқ. Шу сабаб юзни тўлиқ ювиш, бироз белгиланган чегарадан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Таҳоратда икки кўз ичига сув киргизиш вожиб эмас. Чунки кўзнинг ичи юздан ҳисобланмайди. Бу иш бандага қийинчилик туғдиради. Устига-устига таҳоратда доимий кўзига сув киргазганлар кўзи ожиз бўлиб қолганлари ҳақида ривоятлар бор[2].

Юз ювилаётганда кўз очиш ҳам, қаттиқ юмиб олиш ҳам керак эмас, балки кўз енгил юмиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар бошнинг олд қисмида соч бўлмаса, яъни тепакал бўлса, бошнинг соч тўкилиб кетган қисмига сув етказиш шарт эмас.

Икки лаб, буруннинг ташқи қисми, қош, киприк, мўйлаб, чаккадаги туклар ҳам юздан ҳисобланади. Лаб ўртасидан пастга қараб ўсадиган юнг ҳамда соқолнинг юз қисмидан чиққан жойларини ҳам ювиш фарз. Лаб юмилганда ташқарида қолган қисми юздан, ичкаридагиси эса оғиздан ҳисобланади.

Агар мўйлаб узун бўлса, унинг остига сув етказиш шарт эмас. (Аслида мусулмон эркаклар мўйлабни узун қилиб ўстиришлари мумкин эмас, балки уни қисқартириб ёки таги билан олиб юриш керак).

Сийрак соқол остига сув етказиш шарт. Агар соқол юз териси кўринмайдиган даражада қалин бўлса, соқол хилол қилинади. Қалин соқолни хилол қилиш суннат. Агар қалин соқол остига сув етказиш вожиб бўлганида, бу нарса бандаларга машаққат туғдирарди. Худди бошни ювиш лозим бўлмаганидек, қалин соқол остига сув тегиши ҳам шарт эмас.

Абу Ҳанифа ва Зуфарлардан ривоят қилинишича, агар соқолнинг учдан ёки тўртдан бирига[3] масҳ тортса[4], яъни хилол қилса, жоиз. Бундан камини хилол қилиш жоиз эмас.

Ҳанафий ва моликийларга кўра, соқолнинг юз доирасидан ташқарига чиқиб, осилиб турган қисмини ювиш шарт эмас. Сабаби у ювиш фарз бўлган чегарадан чиқди. Энди у юздан ҳисобланмайди[5].

Даҳан устидаги соқолга сув етказгач, уни устара билан қирса, даҳанни ювиш шарт эмас. Шунингдек, мўйлабини олса, бошига масҳ тортгандан кейин сочини олдирса ёки тирноғини қисқартирса ҳам, қайта таҳорат қилиш шарт эмас.

2. Икки қўлни тирсак билан қўшиб ювиш.

Қўлнинг бўғимларини яхшилаб ювиш ва бармоқ учини тўсадиган даражадаги узун тирноқлар остига сув етказиш лозим.

Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммадлар наздида, қўл тирсаклар билан қўшиб ювилади[6]. Аммо Зуфар тирсакгача ювилади, тирсак ювилиши шарт

Агар хамир қорилса ва тирноқлар ичига хамир кириб қолса, тирноқ остига сув етказиш лозим бўлади. Агар тирноқ бармоқ учини ёпиб қўядиган даражада узун бўлса, унинг остига сув етказиш шарт. Агар тирноқ калта бўлса, шарт эмас. (Яъни, агар тирноқ узун бўлса ёки тирноқ остига сув етиб боришига тўсқинлик қиладиган нарсалар бўлса, у ерга сув етказишга алоҳида эътибор бериш лозим).

Тирноққа қўйилган бўёқ қуриб, қотиб қолса, уни кўчириб ташламагунча таҳорат ва ғусл тўғри бўлмайди.

Агар қўлдаги узук тор бўлса, унинг остига сув етказиш учун қимирлатиш вожиб. Агар узук кенг бўлса, қимирлатиб қўйиш мустаҳабдир.

مَسْوَوِ عِلَّوِ لَلَّوِ لَوِ سَرَّ نَّوِ بَآءِ نَعْرِ عِفَارِ بَّوِ لَلَّوِ دِي بُّعْ نَع - ١٢٩
فِي عَضِّ دَنْ سَوِي نَطْقَرَادِلْ أَوْ هَجَامُ نَبْأَهُ أَوْ. مَمْتَاحُ كَرَحِ أَصْوَتِ إِذْ نَاكَ

129 – Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъ отасидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилсалар, узукларини қимирлатар эдилар (Ибн Можжа ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кумуш узуклари бўларди. Унинг устига “Муҳаммадур-росувлуллоҳ” деб ёзилганди. У зот таҳорат қилаётганларида узук остига сув тегиши ёки бармоқ яхши тоза бўлиши учун узукни қимирлатиб қўярдилар.

3. Бошнинг тўртдан бирига бир марта масҳ тортиш.

“Масҳ” сўзи “силаш, текказиш” маъноларини ифодалайди. Таҳоратдаги масҳ эса қўлларни ҳўллаб, маълум аъзоларга текказишдир.

Таҳоратда бош, икки қулоқ ва махсига масҳ тортилади. Таяммумда эса юз ва қўллар тупроқ билан масҳ қилинади.

مَسَّ سَوْوَهُ لَعْلَعْلَلِ اِيَّ صَّيْبِنِّ اِنَّا نَعْنَعْلَلِ اِيَّ ضَرَّةَ بَعْشَرِ نَبِّ اَرِيْغُمْلَا نَع - ۱۳۰
يَّ اَسْنَلَاوْ اَمْلَسْمُ هَاوْرِيْ فُخْلَا اِيَّ لَعْلَعْلَلِ اِيَّ لَعْلَعْلَلِ اِيَّ صَّ اِنَّا بَحَّ سَمَّ فَاَصَّوَتْ
يَّ نُّطْقَرَا دَلَاوْ اِيَّ عَفَا شَلَاوْ دَمَّ حَاوْ

130 - Муғйра ибн Шуъба розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилиб, пешоналари, салла ва икки махсига масҳ тортганлар (Муслим, Насоий, Аҳмад, Шофеъий ва Дорақутний ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилаётиб, бошга масҳ тортишга келганда салланинг бир четидан қўлларини киргизиб, бошларининг олд қисмига масҳ тортганлар. Кейин саллаларига масҳ тортганлар.

Ушбу ривоятни далил қилиб, ҳанафий уламолар бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарз, ундан камига масҳ тортиш ўрнига ўтмайди, деган фикрни билдиришган[7].

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилаётганларини кўрдим. Бошларида қатарий салла бор эди. У зот салла тагидан қўлларини киргизиб, бошларнинг олд қисмига масҳ тортдилар, саллани ечмадилар” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Нофеъдан ривоят қилинишича, Ибн Умар розийаллоҳу анҳу бошига масҳ тортмоқчи бўлса, дўпписини кўтариб, бошининг олд қисмига масҳ тортар эди. (Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган).

Агар бошнинг тўртдан бири ёки кўпроғига ёмғир тегса, қўли билан масҳ тортса, тортмаса, бу масҳ ўрнига ўтади. Бунда қўл билан масҳ тортиш мақсад эмас, мақсад соч устига сув тегишидир. Валлоҳу аълам!

Салла, дўппи ва шу кабиларга масҳ тортилмайди. Улар сочга сув етиб боришига тўсқинлик қилади. Аёл киши рўмолига масҳ тортмайди. Рўмол тагига масҳ тартади. Агар рўмол юпқа ва сочга сув ўтказадиган бўлса, унга масҳ тортиш жоиз.

Одилхон қори Юнусхон ўғли

[1] Ҳанафийлар таҳорат ҳақида келган оятдан келиб чиқиб, таҳоратнинг тўртта фарзи борлигини айтишган. Лекин бошқа мазҳаб уламолари ҳадиси шарифлардан далиллар олиб, таҳоратнинг яна бошқа фарзлари ҳам борлигини таъкидлаганлар. Жумладан, Шофеъий, моликий ва ҳанбалийлар таҳоратда ният фарзлигига иттифоқ қилишган. Моликий ва ҳанбалийлар аъзоларни кетма-кет ювишни, шофеъий ва ҳанбалийлар тартибни, моликийлар аъзоларни ишқалаб ювишни фарз, деб айтишган.

Ҳанафийларга кўра, таҳоратнинг фарзи тўртта. Булар юз, қўл ва оёқни ювиш, бошга масҳ тортиш. Моликийларда еттита. Ният, ишқалаб ювиш ва кетма-кетлик қўшимча. Шофеъийларда олтита. Ният ва тартиб қўшимча фарз саналади. Ҳанбалий, шийъа ва имомийларда еттита. Ният, тартиб ва кетма-кетлик қўшимча фарз ҳисобланади. Шунингдек, ҳанбалийлар оғиз ва бурун юздан эканини айтиб, мазмаза ва истиншоқ қилиш фарзлигини таъкидлашган. Бундан ташқари улар таҳорат аввалида “бисмиллоҳ” деб айтишни ҳам фарз дейишган. Шундан маълум бўладигани, таҳоратнинг фарзи икки қисмга бўлинади: 1) Барча мазҳаблар иттифоқ қилган фарзлар; 2) Ихтилоф қилинган фарзлар.

[2] Ибн Аббос ва Ибн Умар розийаллоҳу анҳумлар умрлари охирида шу сабаб кўзи кўр бўлиб қолгани нақл қилинади.

[3] Абу Ҳанифа соқолнинг тўртдан бирини хилол қилиш фарзлигини айтган.

[4] Китобларда соқолни хилол қилиш баъзида “соқолга масҳ тортиш” деб зикр қилинади.

[5] Лекин, шофеъий ва ҳанбалийлар уни ювиш лозимлиги, сабаби у ювиш фарз бўлган жойдан ўсиб чиққанини айтишган.

[6] Оятда келган **لَا يَجْزِيكَ الْوَلَدُ** ва **لَا يَجْزِيكَ الْوَلَدُ** даги **لَا يَجْزِيكَ** чегаранинг охиригача боришни ифодалаб, **مَعْمُورٌ** маъносини англатади.

[7] Абу Ҳанифа бошнинг тўртдан бирига масҳ тортилишини айтган. Моликий ва ҳанбалийлар бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортиш вожиб экани, агар соч бўлмаса, бош териси устидан масҳ тортиш лозимлигини айтишган. Шофеъий эса: “Масҳ тортиш деб аталадиган даражада масҳ тортса, бўлди. Ҳатто уч дона соч толасига ҳам масҳ тортса бўлади”, деб айтган.

Ҳанбалийлар эркак киши бошига тўлиқ масҳ тортиши, аёл эса бошининг олд қисмига масҳ тортса, кифоя қилишини таъкидлашган. Шунингдек, ҳанбалийлар наздида, икки қулоқнинг ташқи ва ички томонларига ҳам масҳ тортиш вожиб.

Имом Молик оятдаги “ба” ҳарфини “баул илсоқ” (ёпиштириш, қамраб олиш “ба”си) сифатида олиб, бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортилади, деган. Шофеъий эса урфга кўра масҳни умумий маънода олиб, унинг энг кам

миқдорини амалга ошириш билан мақсад ҳосил бўлишини айтган.

Бошнинг тўртдан бирига масх тортиш кифоя қилишини айтувчилар оятдаги “ба” ҳарфини “табъийз” (баъзини олиш, бўлақларга ажратиш) маъносида тушуниб, اَوْحَسْمَآو ни اَوْحَسْمَآو деб изоҳлашган. Бошнинг ҳаммасига масх тортиш лозим, деганлар эса, “ба”ни “баул илсоқ” деб олиб, оятни اَوْحَسْمَآو деб изоҳлашган.

Ҳанафийлар масх тортиш учун бир восита кераклиги, ана ўша восита қўлнинг бармоқлари, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, учта бармоқ эканини айтишган. Сабаби учта бармоқ қўлнинг аксар бармоғидир. Аксар эса ҳаммаси ҳукмидадир.

Эътибор берадиган бўлсак, ҳанафийлар бу борада ўртача ва маъқул йўлни танлашган. Моликийлар бошнинг ҳаммасига тортиш шарт, шофеъийлар эса бошнинг озгина қисмига масх тортса бўлади, деган фикрни айтишган. Одатда мўътадиллик, ўртача бўлиш афзал ва ҳақ бўлади. Лекин ҳар бир фикр эгасининг ўз далили ва қарашлари бор. Биз бу ерда фақат ҳанафийлар томони ҳақ, бошқаларники нотўғри, демоқчи эмасмиз. Ҳамма ўз мазҳабига амал қилса, ихтилофлар олди олинишини эслатиб ўтмоқчимиз.